

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Ўсимликлар карантини ва химояси
агентлиги директори



И. Эргашев

« 28 » январь 2026 йил

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши раиси



Э.Абдуалимов

« 28 » январь 2026 йил

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги билан Ўзбекистон Агросаноат
мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий
ривожлантириш борасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, меҳнат
шартлари ва унга ҳақ тўлаш, ходимларнинг ижтимоий кафолатларини
белгилаб бериш бўйича 2025 – 2027 йилларга тузилган

ТАРМОҚ ЖАМОА КЕЛИШУВИга
Кирилган ўзгартириш ва қўшимчалар



Тошкент шаҳри

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва химояси
агентлиги ҳамда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши ўртасида 2024-2026 йилларга мўлжалланган Тармоқ
келишувига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 5¹-5²-бандлар билан тўлдирилсин:

“5¹. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий химоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда тегишли тармоқ касаба уюшмаси иштирокини таъминлаш; (БЖК 18-банди)

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тармоқ билан келишиш ишларини қатъий таъминлаш; (Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси, БЖК 19-банди).

5². Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларини амалиётда қўллаш борасида Тарафлар қуйидагиларни биргаликда амалга оширадилар (БЖК 20-банди):

меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг яраштирувчи, муросага келтирувчи бўғин сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш;

ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш; (БЖК 24-банди).

касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган кўрсатмаларини иш берувчилар кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш (БЖК 26-банди);

агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларда касаба уюшмаси кўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни шу кўмита билан келишиб олиш (БЖК 27-банди);

қуйи тизимда ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш (БЖК 28-банди);

халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш (БЖК 32-банди);

сунъий интеллект технологияларига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳада стандартлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш (БЖК 34-банди);

сунъий интеллект технологияларини жорий этган иш берувчиларда қисқартиришга тушган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга қайта ўқитиш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш (БЖК 35-банди);

тарафларнинг 5 нафардан иборат вакиллари таркибида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалалар бўйича маслаҳат кенгашини тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш (БЖК 36-банди).”

2. Меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари бўлимида:

а) 7.4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

б) қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

“15¹. Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

ўзини ўзи банд қилганларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш (БЖК 56-банди);

олий, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш (БЖК 58-банди);

меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш (БЖК 59-банди);

юримдик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш (БЖК 61-банди);

“Яшил ишлаб чиқариш” тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш (БЖК 72-банди);

сунъий интеллект жорий этилиши натижасида иш ўринларини йўқотаётган ходимларни бошқа касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш (БЖК 73-банди).”

3. Меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари бўлимида:

а) 37-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин. БЖК 46, 47 бандлар

б) қуйидаги мазмундаги 50¹-50²-бандлар билан тўлдирилсин:

“50¹. Тарафлар келгуси даврда соҳа ходимларининг даромадлари ва иш шароитларини яхшилаб бориш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

иктисодиёт тармоқларида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум таркибида иш ҳақининг улуши оширилишига эришиш (БЖК 38-банди).

меҳнат муносабатларини легаллаштириш ҳамда тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари воситасида хўжалик ҳисобидаги тармоқ ва ташкилотларнинг ўз тариф сеткаларини ўрнатиш орқали ўртача иш ҳақи оширилишини таъминлаш (БЖК 39-банди).

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффицентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш (БЖК 42-банди).

меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш (БЖК 43-банди).

меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ёки унинг бўлини билан олдиндан келишиб олиншини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш (БЖК 44-банди).

50².Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда (БЖК 45-банди):

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффицентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низом талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь) талабларини татбиқ қилиш бўйича тавсиялар бериш;

хотин-қизлар ва эркаклар иш ҳақи ўртасида гендерга асосланган фаркли ҳолатларни ўрганиш ва бундай ҳолатлар аниқланганда, уларни тизимли бартараф этиш чораларини кўриш (БЖК 46-банди);

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси қўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш (БЖК 47-банди);

иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан

бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш (БЖК 48-банди);

иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (лавозим) маошининг (ишбай ҳақ тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг) камида 20 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш (БЖК 51-банди); ⁵⁰

касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шaroитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назоратини ўрнатиш (БЖК 51-банди);

илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш (БЖК 52-банди).”

4. Меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси бўлими қуйидаги мазмундаги 81¹-банд билан тўлдирилсин:

“81¹. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш (БЖК 74-банди).

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни доимий молиялаштириш (БЖК 79-банди).

иш ўринларининг автоматлаштирилиши, меҳнат жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида иш ўринлари йўқотилиши сабабли янги иш ўринларини хавфсиз меҳнат шaroитларини яратган ҳолда ташкил этиш чораларини кўриш (БЖК 80-банди).

ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ³ икки томонлама комиссия таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шaroитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш (БЖК 81-банди).

ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини баргараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш (БЖК 82-банди).

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда тармоқ, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шaroитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда ўрганишни амалда кенг қўллаш (БЖК 83-банди).

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш (БЖК 84-банди):

ташкilot раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шaroитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

касб касалликлари рўйхатини шакллантиришда тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишиш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриқлар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 454-сонли қарори иловаси билан тасдиқланган Намунавий Низом талабларини амалиётга тадбиқ этиш ва ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 819-сонли қарори иловаси билан тасдиқланган Низомлар талабларини амалиётда жорий этиш ва ижросини таъминлаш;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш

дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишлар мувофиқлаштирилишини таъминлаш (БЖК 85-банди);

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш (БЖК 86-банди);

касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан икки томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш (БЖК 87-банди);

ҳар йили 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш (БЖК 89-банди);

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чоратadbирлар ижросини таъминлаш (БЖК 91-банди).”

5. Ижтимоий суғурта, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар бўлими куйидаги мазмундаги 88.6. ва 88.7.-бандлар билан тўлдирилсин:

а) “88.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш (БЖК 97-банди).”

б) 88.7. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сонли тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш (БЖК 105-банди).”

6. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар бўлимида:

а) 89, 89.1., 89.2., 89.3., 90, 90.1., 90.2.-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

б) куйидаги мазмундаги 92¹-банд билан тўлдирилсин:

“92¹. Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда жамоа шартномалари ва келишувларида куйидагилар назарда тутилишини таъминлашни зарур деб ҳисоблайдилар (БЖК 120-банди):

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликка йўл қўймаслик;

Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан; (БЖК 121-банди):

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

ёш болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойзсиз ссудалар бериш;

14.14 Тармоқда гендер тенгликни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича манзилли стратегияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (БЖК 125-банди).

Меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш (БЖК 123-банди).”

7. Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар бўлими қуйидаги мазмундаги 102¹-банд билан тўлдирилсин:

“102¹.Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан (БЖК 119-банди):

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш;

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.”

8. Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш ҳамда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш бўлими қуйидаги мазмундаги 111¹-банд билан тўлдирилсин:

“111¹.Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш (БЖК 106-банди).

ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғарақларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш(БЖК 109-банди).

жамоа шартномаси ва келишувларида назарда тутилган маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш,

меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун иш берувчи ҳисобидан маблағлар ажратиш (БЖК 110-банди).

ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш (БЖК 112-банди).

болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш (БЖК 113-банди).

иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш (БЖК 114-банди).

корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда тозалик ва ободончилик ишларини ташкил қилиш (БЖК 116-банди).

корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари жамоалари ўртасида “Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси” танлови ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш (БЖК 117-банди).”

9. Қуйидаги мазмундаги “ХІ¹. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўлими” билан тўлдирилсин:

“ХІ¹. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўлими

111². Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик (БЖК 126-банди);

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ^{“У.Б.Л.”} икки томонлама комиссияларнинг роли ва самарадорлигини оширишга, бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига кўмаклашиш (БЖК 127-банди);

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш (БЖК 128-банди);

111³. Ягона музокара жараёнини татбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш (БЖК 130-банди):

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги ҳудудий тармоқ жамоа келишувларини тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса тегишли йилнинг март ойидан кечиктирмай тузишни;

тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш яқунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг кўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.


111⁴. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш (БЖК 131-банди):

Агентлик мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши вакиллари таклиф этилишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корxonанинг бошқарув органларига киритилишини;

долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш (БЖК 133-банди).

ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш (БЖК 134-банди).”

(Даминов)


(Талларов)


(Зуфарова)
(Нурисул)
